

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 5 декабрь, № 250 (7208) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 6 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган норасмий учрашувида иштирок этади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКАДА ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада пиллачилик тармоғини ривожлантириш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнига замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмларини ошириш ҳамда тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, ҳанузгача пилла хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош тайёр ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Янги интенсив тутзорлар ва тут қаторлари барпо этишни рағбатлантириш, тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш, илғор технологиялар, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар ва илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, пилла хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош тайёр ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг турларини кўпайтиришни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва "Ўзбекипаксаноат" уюшмасининг мавжуд тутзорларни "Ўзбекипаксаноат" уюшмасининг ҳудудий "Агропилла" МЧЖларига ўтказиб бериш ва янги тутзорлар барпо этиш борасидаги фаолияти лозим даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги "Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3910-сонли қарорига мувофиқ "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг республика ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш мақсадида пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ер эгаларига (аҳоли хонадонларига) 50 бошдан 90 кунлик парранда ва тут кўчатларини шартнома асосида бепул етказиб бериш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

**2019 — 2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ерларида (аҳоли хонадонларида) тут кўчатлари экишни ва парранда боқишни ташкил этишнинг мақсадли прогноз параметрлари** 1-иловага мувофиқ;

**(Давоми 2-бетда).**

**Эътироф**

*Самимият самимийликка чорлайди, деган гап бор. Яъни бундай ёндашув билан ҳамманинг эътиборини тортиб, қалбларни эзгуликка даъват этиш мумкин. Бугун давлатлар ўртасидаги муносабатларда самимият яққол намоён бўлаётганини кўряпмиз.*

*Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган прагматик ташқи сиёсат замирида барча давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, турли масалалар юзасидан оқилона муросага эришиш, барқарор тараққиёт учун кенг кўламли шароитлар яратиш мақсади мужассам. Энг асосийси, янгиланишлар мамлакат тараққиёти, одамлар бахту иқболи йўлида амалга оширилмоқда. Испаниянинг машҳур "Diario arbat" нашрида чоп қилинган мақола ҳам юртимизда кейинги икки йил мобайнида олиб борилган ислоҳотларга бағишланди. Мақола муаллифи — Фернандо Мануэль Морагон Месегер. У геосиёсат, тарих ва география соҳасидаги таниқли экспертлардан биридир. Қуйида ана шу мақола эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ТИНЧ ИНҚИЛОБИ»

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бугунги Ўзбекистон туб ислоҳотлар йўлидан кетмоқда. "Тинч инқилоб" сиёсатига амал қилиб, аниқ бир мақсад йўлида олға интиляпти. Бинобарин, мамлакатда белгилаб олинган вазифаларга эришиш учун изчил ва қатъият билан кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилаётир. Бунда кўҳна қадриятлар ва юрт тарихи ҳам сақлаб қолиниб, асраб-авайланмоқда.



DIARIO ARBAT

Internacional | Opinión | España | Economía | Ciencia | Tecnología | Cultura | Deportes

LA "REVOLUCIÓN TRANQUILA" DE SHAVKAT MIRZIYAYEV

Redacción 3 de diciembre de 2018

El Uzbekistán de hoy en día está experimentando una transformación que, sin temor a equivocarnos, podríamos denominar como una "revolución tranquila" que está cambiando el país de forma paulatina y radical hacia un estado y una sociedad moderna que concilia esta modernidad con el mantenimiento de sus mejores tradiciones y de su historia. Todo ello gracias al liderazgo de su actual

2016 йил 4 декабрь куни ўтказилган сайлов якунларига кўра, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлди. Орадан ўн кун ўтиб, яъни 14 декабрда эса қасамёд қабул қилди. Шу вақтдан бошлаб, давлат раҳбари барча соҳада мисли кўрилмаган қатор ўзгаришларни бошлади. Булар Ўзбекистонни ташқи дунёга очгани ҳолда тараққиёт учун янги туртки берди.

Минтақавий ва халқаро алоқаларнинг иликлашуви, айниқса, қўшни Тожикистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг қайта тикланиши янги раҳбарият томонидан илгари сурилган ислоҳотларга энг яхши мисол бўлса ажаб эмас. Маълумки, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни, асосан, Роғун ГЭС қурилиши лойиҳаси билан боғлиқ можаро сабабли дўстона, деб аташ мушкул эди.

Шавкат Мирзиёев эса Тожикистон билан алоқаларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш йўлидан борди. 2018 йилнинг 17 август куни Тожикистон Президенти 20 йил ичида биринчи марта Ўзбекистонга давлат ташрифи билан борди. Сафар доирасида қатор битимлар имзоланди ва узоқ йиллар давомида муаммо бўлиб келган Роғун ГЭСга доир оғриқли масала ҳал этилди.

Бундан ташқари, бошқа қўшни давлатлар билан ҳам мустаҳкам ҳамкорликка эришиш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилди. Айниқса, Ўзбекистон Афғонистондаги нотинчликка барҳам бериш мақсадида барчани бир эзгу ғоя атрофида бирлаштирди. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши учун Ўзбекистон бор куч-ғайратини ишга соляпти.

Ҳамкорлик бўйича фаоллашув нафақат қўшни давлатлар, балки узоқ хориж мамлакатлари билан ҳам кузатилмоқда: АҚШ билан 4,8, Россия билан 27,1, Франция билан эса 5 миллиард долларлик икки томонлама келишувлар имзоланди.

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал равнақи эътиборга лойиқ. Ўзбекистонда биринчи АЭС қурилиши, ҳаво бўшлиғидан ўзаро фойдаланиш тўғрисидаги битим, ҳарбий-техник алоқаларни ривожлантиришга оид шартнома — ўтмишда булар, ҳатто тасаввурга ҳам сиғмасди. Шавкат Мирзиёев донолик билан нафақат ўз қўшнилари, балки айни пайтда ўзаро манфаатлар тўқнашуви даврини бошидан кечираётган АҚШ, Россия ва Хитой каби етакчилар билан ҳам барқарор ташқи сиёсат юритмоқда.

Ўзбекистон янги раҳбарият бошчилигида инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва унга риоя этишга қаратилган ислоҳотлар соҳасида сезиларли юксалишга эришди. Зеро, мамлакатда бунга давлат сиёсати ва халқаро шериклар билан ўзаро алоқаларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараляпти. Ўзбекистонда пахта йиғим-теримида болалар ва мажбурий меҳнат амалиётига бутунлай барҳам берилди. Умуман олганда, жамиятдаги ижтимоий муҳит ижобий хусусият касб этаётир: фуқаролар ўзларини янада эркин ҳис қилишмоқда ва ўз фикрини айтиш, ариза ёки шикоят беришдан қўрқмаяптилар.

Раҳбарият иқтисодий ўсишнинг муҳим эканлигини чуқур англаган ҳолда хориж инвестицияларини жалб этиш учун ўз бозорини ташқи бизнесга очиб беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда учта асосий йўналиш: автомобиль ва темир йўллар, аэропортлар, электростанциялар инфратузилмалари, замонавий технологияларни харид қилиш, малакали кадрлар тайёрлашга устуворлик берилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Улар давлат хизматлари барча даражада модернизация қилинишини таъминлаши керак. Булар коррупцияга қарши курашиш ва турли масалаларни идора қилишда давлат хизматлари самарадорлигига кўп жиҳатдан эришишни англатади.

Собиқ иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган мавжуд муаммоларни йўқ қилиш учун қатор янги қонунлар қабул қилинди. Маҳаллий органлар фаолиятини модернизациялашда фуқаролар иштироки ва фикрларига масъулият билан ёндашилмоқда, мазкур соҳадаги у ёки бу муаммони ҳал қилишда мурожаат ва шикоятлар сони инобатга олинаётир. Бошқача айтганда, халқнинг ўзи давлат раҳбари томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойили асосида раҳбариятга баҳо қўймоқда.

Испания Ўзбекистоннинг турли тармоқлари, айниқса, иқтисодиёт секторини модернизация қилишга катта ҳисса қўшиши мумкин. Масалан, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё саноати, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш, рақамли технологиялар ва инфратузилмалар бўйича бой тажрибаси Ўзбекистон учун жуда асқатиши, шубҳасиз.

Ўзбекистоннинг Испанияга бўлган қизиқиши ҳам тобора ортиб бораётир. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири бошчилигидаги катта делегациянинг 2017 йил ноябрь ойидаги ташрифи ана шундан далолат. Унинг доирасида қатор муҳим келишувларга имзо чекилди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги Фавқулодда ва мухтор элчиси тайинланди.

Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзбек халқига ёрқин келажак, мамлакатнинг жадал тараққиёти ва фаровонлиги ошиши йўлида улкан умидлар бахш этмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОННИ 2035 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТИ

*Шу йил 28-29 июнь кунлари "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ва "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан "Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси" мавзуида халқаро форум ташкил этилиб, унинг доирасида мамлакатимизни узоқ муддатли ривожлантиришнинг стратегияси концепциясини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама қилинган эди.*

Шунга мувофиқ "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан KPMG аудитор-консалтинг ташкилоти кўмагида Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. "Тараққиёт стратегияси" марказида 4 декабрь куни мазкур концепция лойиҳасининг дастлабки тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, "Тараққиёт стратегияси" маркази, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, "Буюк келажак" ташкилоти экспертлар кенгаши аъзолари иштирок этди.

Бугунги шиддатли давр мамлакатимиз олдига ривожланишнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилаш ва барча соҳани изчил тараққий эттириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясидан мақсад мамлакатимизни дунёнинг иқтисодиёти ривожланган 50 давлати қаторига киритишдир.

Концепция лойиҳаси давлат бошқарувини ислоҳ этиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, инновация ва технологияларни қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишлардан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давомида тўпланган тажриба мазкур концепциянинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Энг муҳими, мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги стратегияси келаси 17 йилга мўлжалланган бўлиб, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳасида юқори натижаларга эришишни назарда тутади.

➡ 2

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

# БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОМБУДСМАН ИНСТИТУТИ

## Унинг фаолияти нималардан иборат?

Ўзбекистонда болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича омбудсман тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур институт Президент ҳузурида фаолият юритиши назарда тутиляпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган давра суҳбатида шу бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Унда соҳада фаолият юритаётган халқаро экспертлар, парламент аъзолари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан парламент қуйи палатаси томонидан БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) кўмагида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллигини нишонлаш арафасида ташкил этилди.

Дунёда болалар ҳуқуқлари энг кўп бузилишига сабаб, уларнинг ёшлиги билан боғлиқ. Кўпчилиги овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Болалар суд тизимида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жиддий муаммоларга дуч келишади. Боз устига, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби таҳдидлар ортиб бораётир.

➡ 2

# ХИВАЛИКЛАРНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУСИ УШАЛДИ

## ҚАДИМИЙ КЕНТДА БАРПО ЭТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ВОКЗАЛГА БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИ ЕТИБ КЕЛДИ.








**Бунёдкорлик**

*Амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари туфайли қадимий Хива шаҳри беқиёс чирой очиб, замонавий кентга айланмоқда. Натижада аҳолига ҳамда сайёҳларга катта қулайлик яратиляпти. Ана шундай эътиборга молик янгиланишлардан бири транспорт инфратузилмаси билан бевосита боғлиқ.*

*Куни кеча Тошкент-Жанубий вокзалидан йўлга чиққан йўловчи поезди Хива темир йўл вокзалига кириб келди. Бу тарихий воқеа, айтиш жоизки, барчага чексиз қувонч, унутилмас лаҳзаларни бахш этди. Дастлабки йўловчиларни Хоразм вилояти ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, ёшлар тантанали кутиб олишди.*

*"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ходимлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли шоир-ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, журналистлар қатнашган тадбирда сўнгги йилларда юртимизда бу каби эзгу ишлар кўлами тобора кенгаяётгани фахр-ифтихор билан айтиб ўтилди. Бинобарин, қадимий Хивага поезд келиши Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.*

➡ 2

**Қулайлик**

# ЯНА БИР ХАЛҚАРО АВТОБУС ЙЎНАЛИШИ ОЧИЛМОҚДА

*Тез орада Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги томонидан Тошкент — Хўжанд — Қўқон — Тошкент йўналишида автобус қатновлари йўлга қўйилади.*



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил март ойидаги Тожикистон Республикасига давлат ташрифи доирасида имзоланган халқаро автомобиль қатновлари тўғрисидаги битимга мувофиқ, амалга оширилаётган мазкур лойиҳа яқин қўшничилик ришталари билан чамбарчас боғланган ўзбек ва тожик халқлари учун яна бир қулайликдир.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКАДА ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2019 — 2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан ипак қуртини парваришлаш иншоотларини қуришнинг мақсадли прогноз параметрлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, “Паррандасаноат” уюшмаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган мақсадли прогноз параметрлари бажарилишини таъминлаш юзасидан туманлар, пиллачилик тармоғи ташкилотлари, томорқа ерлари (аҳоли хонадонлари) кесимида **манзилли чора-тадбирлар дастурларини** тасдиқласин ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ижро этилишини таъминласин.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрлари ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижасини таҳлил қилган ҳолда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиб борсин.

4. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йилдан бошлаб уюшма таркибига кирувчи ташкилотларнинг пилла ҳосили учун контрактация шартномаларида белгиланган миқдорлардан ортиқча пилла топширилганида, **5 килограммгача ортиқча пилла ҳосили харид нархига нисбатан 15 фоиз, 5 килограммдан юқори бўлган қисмига — 25 фоиз миқдорида устама тўлаш тизимини жорий этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларнинг қиймати ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларнинг ипак қурти уруғини сотиб олиш, тутзорлар барпо қилиш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2019 — 2021 йилларда ажратиладиган банк кредитлари фоиз харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари томонидан белгиланган **кредит ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда компенсация тақдим этиш** тартиби ўрнатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 — 2021 йиллар давомида ҳар йили **100 миллиард** сўм миқдоридаги маблағларни тегишли йилнинг 1 февралига қадар мазкур бандда назарда тутилган компенсацияларни тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳамда тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда халқаро молия ташкилотлари ва институтлари билан музокаралар олиб борсин ва пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун **имтиёзли кредит линияларини очиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар 2023 йил 1 январга қадар муддатга **мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озод этилсин**, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шу жумладан, технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 январдаги “Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3472-сонли қарорининг 10-банди “а” кичик бандида назарда тутилган божхона тўловлари бўйича имтиёзларни, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳисобига олиб кирилаётган божхона расмийлаштируви вақтида **ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан 7 йилгача бўлган технологик ускуналарга** ҳам қўллашга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда назарда тутилган имтиёз қуйидаги шартлар билан қўлланилади:

имтиёз қўлланилганидан кейинги йилдан бошлаб **3 йил** давомида ҳар йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг камида 50 фоизини экспорт қилиш;

имтиёзни қўллаш натижасида бўшайдиган маблағларни технологик ускуна олиб кирилган кундан бошлаб дастлабки **2 йил** ичида ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида **технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтириш**.

9. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тармоқ ташкилотлари ходимларини ихтисослашган олий таълим муассасаларидаги “Ипакчилик ва тутчилик” таълим йўналиши бўйича сиртқи бўлимларга **белгиланадиган қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида тест синовларисиз қабул қилиш тартиби** жорий этилсин. Бунда олий таълим муассасаларига қабул:

ходимнинг умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ва тармоқ ташкилотларида камида **3 йил** амалий иш стажига эга бўлиши;

контракт тўлови тармоқ ташкилоти томонидан кафолатланган ҳолда амалга оширилиши ва ходим — битирувчининг ўқишни тамомлаганидан сўнг **5 йил** давомида тармоқ ташкилотида ишлаб бериши шарти билан амалга оширилади.

10. “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг:

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, чет эл давлатларининг пиллачилик тармоғи вакиллари, эксперт ва мутахассислар ҳамда хорижий сайёҳларни кенг жалб қилган ҳолда 2019 йилдан бошлаб ҳар йили **Халқаро ипакчилик форуми** ва **“Ипак ва Мода” (“Silk & Fashion”)** халқаро ипакчилик кўргазмасини;

жойларда, биринчи навбатда, туристлар ташриф буюрадиган маданий мерос объектлари ҳудудларида **“Uz-Silk” миллий бренди** остида ипак матолар ва тайёр ипак маҳсулотлари кўргазма-савдо расталарини (дўконларини), шунингдек, ипакдан тикилган либослар ва ипак буюмларнинг мода кўргазмаларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллий ипак маҳсулотларининг ташқи бозорларга етказиб берилишидаги мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ва унинг замонавий илмий лабораториясини ташкил этиш бўйича **комплекс чора-тадбирлар режасини** тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ миқдор ва манбаларини белгилаган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда вилоятда инновацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсив тутзорлар барпо қилиш, сифатли ипак қурти уруғи етиштириш, замонавий ипак қуртини боқиш иншоотларини қуриш асосида **пилла етиштириш ва уни қайта ишлашнинг намунавий тизимини жорий этиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда жойларда тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш натижасида зарар етказганлик учун **жавобгарликни кучайтириш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 декабрь

# ХИВАЛИКЛАРНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУСИ УШАЛДИ

## ҚАДИМИЙ КЕНТДА БАРПО ЭТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ВОКЗАЛГА БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИ ЕТИБ КЕЛДИ.



Маълумки, Президентимиз 2017 йил январь ойида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Урганчдан Хивагача темир йўл ва Хива шаҳрида замонавий вокзал қуриш, сайёҳлар учун қулай транспорт хизматини йўлга қўйиш мақсадида поездлар қатновини ташкил этиш юзасидан топшириқ берган эди. Қисқа вақт оралиғида бу эзгу ташаббус рўёбга чиқди. Умумий қиймати 35,9 миллион АҚШ долларилик мазкур лойиҳа “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан амалга оширилди.

Темир йўлчилар томонидан Урганчдан Хива шаҳригача 30 километрдан зиёд янги темир йўл ётқизилди. Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо қилинди. Вокзал биносининг ташқи қиёфаси Хоразм меъморчилиги намуналарини ўзида акс эттирганлиги билан жуда жозибали кўринади. Унинг олд тарафида мусиқий фаввора бунёд қилинган. VIP-зал, она ва бола, тиббиёт хоналарида барча қулайлик мавжуд. Вокзалда 35 нафар ишчи бир вақтнинг ўзида 200 йўловчига хизмат кўрсатади. Бу ерда 20 ўринли меҳмонхона ҳам бор.

Тадбирда меҳмонлар вокзалдаги шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Лойиҳанинг кейинги босқичида Хивага замонавий тезюрар поездлар қатновини йўлга қўйиш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида оралиқ масофани босиб ўтиш вақти икки баробардан кўпроққа қисқаради. Яъни йўловчилар Хивадан Тошкентга 6-6,5 соатда етиб боришади.

Таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар томонидан ижро қилинган куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият ҳадя этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О. Раматов, Хоразм вилояти ҳокими Ф. Эрманов сўзга чиқди.



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

- ✔ Урганчдан Хива шаҳригача **30 километрдан** зиёд янги темир йўл линияси тортилди.
- ✔ Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этилди. Унда 35 нафар хизматчи бир вақтнинг ўзида **200 йўловчига** хизмат кўрсатади.
- ✔ Вокзал биносининг ташқи қиёфаси Хоразм меъморчилиги намуналарини ўзида акс эттирган. Замонавий VIP-зал, она ва бола, тиббиёт хоналарида барча қулайлик яратилган.
- ✔ Ўтган йили Хивага **60 минг** сайёҳ келган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич **110 мингдан** ошди. Поезд қатнови йўлга қўйилиши туфайли, шубҳасиз, туристлар сони янада ортади.

## *Поезднинг илк йўловчилари таассуроти қандай?*

**Элёр НОСИРОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:**

— Кўп йиллардан буён Хоразмда бўлмагандим. Хива шаҳрида вокзал биноси очилиши тантаналарида иштирок этиш учун пойтахтдан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ва санъат намояндаларининг бир гуруҳи Тошкент — Хива йўналишидаги йўловчи поездида келдик. Ундаги шароит қулайлиги сабаб вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қолдик. Шаҳарда вокзал биноси бунёд этилиши баробарида, унинг атрофида ободонлаштириш ва қурилиш ишлари амалга оширилибди. Буларга фақат қойил, дейиш мумкин.

**Гавҳаржон ИБОДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари:**

— Бугун бутун халқимиз, хусусан, хиваликлар учун катта байрам, унутилмас кун, тарихий воқеа бўлди. Хивага поезд қатновининг йўлга қўйилиши ва замонавий вокзал биносининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги арафасида чинакам туҳфа бўлди, десак, муболаға эмас.

Ушбу тантанада иштирок этиб, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳаяжонландим. Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсатининг инъикоси бўлган бу муҳташам бинога қараб кўз тўймайди.

**Жулиет ХИЛТЗЕР, сайёҳ (Франция):**

— Қадимий Хивага турмуш ўртоғим ва қизларим билан биргаликда саёҳатга йўл олгандик. Буни қарангки, сафаримиз Урганч ва Хива шаҳарлари орасидаги темир йўл линияси ҳамда Хива шаҳрида замонавий вокзал биноси фойдаланишга топшириладиган тарихий санага тўғри келибди. Мазкур йўналишда ҳаракатланадиган поезднинг илк йўловчилари бўлганимиздан мамнунмиз.

Бутун йўл давомида поезд хизматчилари бизга сифатли сервис хизматлари кўрсатишди. Айниқса, тантанали очилиш маросимидаги миллий куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар, театрлаштирилган саҳна кўринишлари қалбимизда бир умрга муҳрланиб қолади.

**Нодир ОТАЖОНОВ, меҳнат фахрийси:**

— Тарихдан маълумки, Феруз тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммад Раҳимхон бундан 130 йил олдин шаҳарга темир йўл келтиришга кўп бор уриниб кўрган, аммо орзусига етмаган. Бу хиваликлар учун армон бўлиб келаётган эди. Мазкур умидлар Президентимиз ташаббуси билан қисқа муддатда амалга ошди. Темир йўл нафақат хорижлик сайёҳлар, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам қулайлик яратиши баробарида, миллий транспорт-коммуникация соҳасидаги ислоҳотларнинг амалий самараларини тасдиқлаб берди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОННИ 2035 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТИ

Лойиҳанинг давлат бошқарувини ислоҳ қилиш йўналишида қонунчилик базасини такомиллаштириш, суд тизимини ислоҳ этишни давом эттириш, аҳоли сиёсий маданиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг халқаро индекслардаги ўрнини юксалтиришга имкон берадиган давлат бошқаруви институтларини такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қишлоқ хўжалигини равнақ топтириш, тадбиркорда ташаббускорликни кучайтириш, молиявий ресурслар билан таъминлаш каби омилларга асосланади. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобига 2035 йилга бориб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 122 миллиард долларга етказилади. Ўсиш суръатининг бундай кўламини белгилашда ЯИМнинг номинал ўсиши, иқтисодиёт самарадорлиги, аҳоли жон бошига даромадлар ошиши ҳисобга олинган, Хитой, Индонезия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Таиланд каби давлатларнинг иқтисодий ривожланиш динамикасига қиёсланган.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўлимида таълим тизими, меҳнат бозори ҳисобига инсон капиталини ривожлантириш, аҳолининг барча қатламини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш орқали одамларнинг соғлиғини яхшилаш кўрсаткичини ошириш, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳитни асраш, илғор фикрлайдиган янги авлодни шакллантириш, мамлакатнинг миллий брендини халқаро миқёсда оммалаштириш каби мақсадлар баён этилган.

— Жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида узоқ истиқболга мўлжалланган стратегиялар қабул қилинган. Ўзбекистонни 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлиб, юртимиз тараққиётида янги саҳифа очиши билан аҳамиятлидир, — деди “Буюк келажак” халқаро ташкилоти экспертлар кенгаши мувофиқлаштирувчиси Баҳром Исмоилов. — Янги стратегия мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар истиқболда юқори натижаларни беришига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

— Стратегия лойиҳасида белгиланган марраларга эришиш учун ҳар бир соҳада ислоҳотларни босқичма-босқич, аниқ муддатларда рўёбга чиқариш прогнозлари кўрсатилган, – деди “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Акмал Бурҳонов. — Масалан, бугунги кунда туризм соҳасининг улуши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида 1,4 фоизни ташкил этса, 2035 йилда уни 28 фоизга етказиш режалаштирилган. Ёки ишлаб чиқариладиган автомобиллар сонини 300 мингтага етказиш, тармоқдаги бандликни 1,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шу каби кўплаб истиқболли режалар ва уларни амалга ошириш механизмлари Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашига қулай имкониятлар яратади.

Тақдимотда макроиқтисодиёт кўрсаткичлари, соҳавий йўналишларнинг ҳар томонлама ўрганилган маълумотлари, барқарор ривожланиш йўналишлари, 2035 йилгача Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясидан кутилаётган натижалар ҳақида сўз юритилди.

Лойиҳани аҳолининг кенг қатламлари, вазирлик ва идоралар, эксперт-таҳлилий доиралар ўртасида, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилишга келишиб олинди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

# БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОМБУДСМАН ИНСТИТУТИ

## Унинг фаолияти нималардан иборат?

Статистик маълумотларга кўра, жаҳонда ҳар икки соатда болалар омбудсманига вояга етмаганлардан иккитадан мурожаат келиб тушади. Улар нафақат болаларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатига тааллуқли, балки мураккаб вазиятларда маслаҳат бериш бўйича илтимослар ҳамдир. Бинобарин, болалар омбудсмани институтини тузиш долзарбдир. Булар БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига ҳам тўла мос келади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган болалар ва ёшларга оид сиёсат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари бўйича БМТ конвенцияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига асосланади. Улар мамлакат Конституцияси, қонунчилик ҳужжатларида ўз инъикосини топган. Болаларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, оналик ва болалик, ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлари таъминланяпти, жисмоний, интеллектуал ва маънан етук бўлиб вояга етишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу борада вазирликлар, идоралар ва ННТ ҳамкорликда иш олиб бораётир. Ўтган даврда Меҳрибонлик уйларидаги тарбияланувчилар сонини қисқартиришга эришилгани ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир. Агар 2005 йилда шу каби 28 та муассасада уч мингдан ортиқ болалар яшаган бўлса, айни пайтда 19 та Меҳрибонлик уйи ва учта болалар шаҳарчасида 2441 нафар бола тарбияланяпти. Шунга қарамай мамлакатда болалар ва ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш фаолияти бўшлиги кузатилаётир.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси раиси Ренате Винтернинг фикрича, болалар омбудсмани мустақил бўлиши керак. Бу вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва манфаатларини илгари суришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, болалар омбудсмани ва инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсман бюджети алоҳида-алоҳида бўлиши ҳам долзарбдир. Зеро, бу унинг мустақиллигини таъминлайди.

Халқаро эксперт Ўзбекистон болалар омбудсманини жорий этишда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ўттиз ёшгача ҳимоя қилиш бўйича кенг ёш қамровини белгилаб олган, деб ҳисоблайди. Бу амалиётда айрим муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Сабаби мактаб ўқувчиси ва 25 ёшли инсоннинг қизиқишлари ҳамда муаммолари турличадир. Шунинг учун мутахассислар ушбу мезонни қайта кўриб чиқишлари зарур. Айни чоғда болалар омбудсмани ёш авлод ҳуқуқлари бузилиши бўйича суриштирув олиб бориш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлиши даркор.

Р. Винтер айтиб ўтганидек, болалар омбудсмани фаолият юритадиган давлатларда мактабларга кираверишда “Ишонч телефонлари” ўрнатилган. Шу орқали болалар турли масалалар бўйича мурожаат қилишлари мумкин. Шундай қилиб, болаларда уларни ҳимоялашга қодир инсон борлигига нисбатан ишонч ҳосил бўлади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда халқаро тажриба, жумладан, болалар омбудсмани бўйича энг яхши амалиётлар инобатга олинди. Лойиҳада мазкур институтнинг мақсад, вазифа ҳамда ваколатларини, болалар ва ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ўзаро самарали алоқалар шаклларини белгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, болалар омбудсмани фаолияти бола шахси, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш борасида жамоатчилик дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилади. Бу давлат тузилмалари, ота-оналар ва васийларга ҳам бирдек тааллуқлидир.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ЯНА БИР ХАЛҚАРО АВТОБУС ЙЎНАЛИШИ ОЧИЛМОҚДА

Кеча ушбу йўналишда қатновларни ташкил этиш борасидаги масалаларни ўрганиш мақсадида техник-синов қатновига киришилди. Агентлик мутахассисларининг айтишича, шу аснода тожикистонлик ҳамкасблари билан бирга, мазкур йўналишнинг ҳаракат жадвали, чегара ва божхона назорат пунктларидан ўтиш жараёни ва бошқа техник масалалар чуқур ўрганилади.

— Қўшни Тожикистон Республикасига шу кунга қадар тўртта йўналиш очилган, — дейди агентликнинг автомобиль ташувларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Аброр Исаев. — Булар Тошкент — Хўжанд, Термиз — Душанбе, Денов — Душанбе, Самарқанд — Панжикент йўналишларидир. Навбатдагиси Хўжанд орқали Қўқонга бориш имконини беради. Бу эса ўзаро борди-келдининг кўпайиши, туризм ривожланишига хизмат қилади.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг январь ойидан мамлакатимизни қўшни республикалар билан боғловчи халқаро автобус қатновлари йўлга қўйилмоқда. Ўтган қисқа давр ичида улар сони 12 тага етказилгани қувонарлидир.

Йўналишга чиқаётган ҳар бир автобус техник кўрикдан, ҳайдовчилар эса тиббий текширувдан ўтказилади. Автобусларнинг санитар ҳолати ҳам доимий назорат остида. Қолаверса, ушбу транспорт воситалари GPS навигация тизими билан жиҳозланган бўлиб, бу уларни тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Натижада мазкур халқаро йўналишларда кунига 15-16 та замонавий автобусларда ўртача 600 — 700 нафар йўловчига сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Йўналишлар очилгандан буён 62 000 нафардан зиёд кишилар кўзлаган манзилига элтиб қўйилди.

**Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.**

Сенатор минбари

## АВИАЦИЯ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИНГ ЭСКИРГАН ТИЗИМИДАН ВОЗ КЕЧИЛАДИ

*Бугун фуқаро авиациясида таркибий ислоҳотларни амалга оширишни давом эттиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор камчиликлар борки, уларни бартараф қилиш кечиктириб бўлмас вазифадир.*

Аввало, тармоқ корхоналарида менежментнинг замонавий тизимини жорий этиш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш лозим. Авиацияда қўлланилаётган бошқарувнинг эскирган ва ёпиқ тизими эса ана шу муҳим жараённи амалга ошириш имконини бермаяпти.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада бошқарувнинг замонавий шакллари ҳамда усулларини қўллаш, тармоқдаги корхоналарни жаҳон тенденциялари ва стандартларига мувофиқ қайта тузиш, авиаташувлар бозорида рақобатни ривожлантириш ҳамда тармоққа инвестицияларни фаол жалб қилишда катта аҳамиятга эга.

Ҳужжатда авиация бўйича монопол бошқарув тизимидан воз кечиш, тизимдаги бюрократик ҳолатларнинг йўқотилиши учун зарур тадбирлар белгиланди. Миллий авиаташувларимизнинг жаҳон бозорида рақобатдош бўлиши, янги йўналишларда авиақатновларнинг очилиши соҳага инвестициялар жалб этилишига имконият яратади.

Президентимизнинг ушбу Фармонини барча соҳа ходимлари қатори Бухоро халқаро аэропорти жамоаси ҳам катта мамнуният билан кутиб олди. Чунки Бухорога ташриф буюраётган сайёҳларнинг кўпчилиги бизнинг хизматларимиздан фойдаланиши учун қўшимча имкониятлар яратилади. Фармон соҳани янада тараққий эттириш ва энг муҳими, парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Хусусан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясини қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланди. Шу тариқа соҳада мавжуд бир қатор авиакорхоналар негизида "Uzbekistan Airways" АЖ ҳамда "Uzbekistan Airports" АЖ ташкил этилди ва уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ривожлантириш жамғармасининг очилиши жамғарма маблағларининг фақат мазкур давлат инспекциясини моддий-техник таъминлаш, шу жумладан, замонавий АКТни жорий этиш, инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш ва малакасини ошириш каби муҳим тадбирларни рўёбга чиқаришга йўналтирилиши эътиборга молик. Бу истиқболдаги режаларимиз ва зиммамиздаги вазифаларни давримизнинг тезкор талаблари даражасида бажаришимизда муҳим ўрин тутади.

Президент Фармони мамлакатимизда фуқаро авиациясини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини тобора оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

**Тоҳир БАҲРОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

Ғамхўрлик

## Инсон азиз, қадри улуғ

**Пойтахтимизнинг Сергели туманида кам таъминланган, ногиронлиги бўлган шахсларнинг 18 нафарига замонавий уй-жой берилди.**
**Шу муносабат билан бу ерда тантанали тадбир ўтказилди.**



Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, мазкур кўп қаватли тураржой "Psk2" МЧЖ томонидан бунёд этилган. Бу ерда хонадон соҳиблари учун барча зарур шарт-шароит ҳамда қулайликлар яратилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева иштирок этди.

**Жамшид АКБАРОВ.**

Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги олдидан

# НИКОҲ ҚОНУНИЙ БЎЛСА, ОИЛА ҲИМОЯСИ КАФОЛАТЛАНАДИ

*"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.*
*Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади".*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси.**




Юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, миллий урф-одатларни тарғиб қилиш масалалари устуворлик касб этади. Оилани келажак авлод камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия маскани, деб қарайдиган бўлсак, унинг аҳамияти янада катта эканини англаймиз.

Бош Қомусимизда ҳам оила, ота-она, фарзандлар муносабатларига оид алоҳида боб киритилгани, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, манфаатлари моддама-модда келтирилгани бежиз эмас. Уларда оилаларни мустаҳкамлаш ва асраб-авайлаш, ҳимоялаш ғоялари мужассам.

Хўш, оиланинг муқаддаслигини, унинг тинчлиги, аҳил ва тотувлиги, маънавий барқарорлиги жамият ривожида муҳим эканини барча бирдек тушуниб етяптими? Афсуски, йўқ.

Бугун айрим ота-оналарнинг бепарволиги туфайли ёшлар ҳали оила, никоҳ муносабатларига тайёр бўлмасдан турмуш қуришлари оқибатида ажралишлар кўпаймоқда. Натижада болалар тирик етим бўлиб, ота ёки она меҳридан мосуво қолаётган ҳолатлар ҳам кам эмас.

## АКС ҲОЛДА...

Ажралишларнинг ортишига оилаларнинг қонуний эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, масъулият никоҳ шартномасидан олдин бошланиши керак. Оила қураётган ёшлар, аввало, бир-бирларини яхши билишлари зарур. Ҳозирги кунда оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда сақлаш бўйича ўнлаб давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари жалб этилган. Аммо уларнинг орасида энг асосийси, бу — оила институтларининг ўзи. Бунга ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Тан олиш керак, кўплаб оилалар, айниқса, чекка туман ҳамда қишлоқларда турли сабабларга кўра, никоҳни расмийлаштирмасдан яшаб келаётганлар бор. Буларни аниқлаш ва уларга жойида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида умуммиллий бепул ижтимоий акция ўтказилаётир.

Адлия вазирлиги, давлат хизматлари марказлари, маҳаллий ҳокимият, хотин-қизлар қўмиталари, ФҲДЁ, халқ ҳамда мактабгача таълим бўлимлари, тиббиёт бирлашмалари вакиллари, ўқитувчи ва маҳалла фаолларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари уйма-уй юриб, муаммоларни бартараф этишда фаоллик кўрсатяпти.

Бугунги кунга қадар республика бўйича 397 мингдан зиёд оилалар ўрганилиши натижасида 6428 нафар туғилганлиги қайд этилмаган бола, шунингдек, 4419 та расмийлаштирилмаган никоҳ билан яшаб келган оила аниқланган.

Бу минглаб болалар ҳамда оилалар Конституциямиз ва бошқа қонунларда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларидан тўлалигича фойдаланиш имкониятига эга эмаслар, деганидир.

Ишчи гуруҳи аъзоларининг амалий кўмаги туфайли 4300 дан ортиқ болаларга туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилди, 2330 га яқин оилалар ФҲДЁ органларида қайд этилди. Биргина Жиззах вилояти бўйича 88 нафар бола туғилганлик ҳақида гувоҳномага эга бўлиб, 15 та оиланинг никоҳи расман рўйхатга олинди.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида йўлга қўйилган яна бир тизим ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Дам олиш кунлари чекка ҳудудларнинг аҳолиси учун "мобиль" давлат хизматлари кўрсатилаётгани фуқаролар учун жуда қулай бўлмоқда. Айнан ушбу хизматнинг қўлланилиши натижасида вилоятимизнинг 108 нафар фуқаросига ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар топширилди.

Албатта, бу борадаги муаммолар илдиз отиб кетмаслиги учун ўзаро ҳамкорликда тарғибот ишларини янада кучайтириш, фуқаролар, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларнинг шуурига оиланинг муқаддас эканини сингдириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаверади. Чунки таъсирчан тарғибот тадбирлари ота-оналарнинг масъулиятини ошириш баробарида, турмуш қуришга аҳд қилган йигит-қизларда оилага бўлган ижобий муносабатни шакллантиради.

Умуман айтганда, никоҳ ва инсон ҳаётидаги бошқа муҳим воқеаларнинг ўз вақтида қайд этилиши унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя қилинишини кафолатлайди. Бу, ўз навбатида, оилалар мустаҳкамлиги ва жамиятимиз фаровонлигини таъминлашда жуда муҳим аҳамиятга эга.

**Маҳбуба ТЎРАЕВА,**
**Жиззах вилояти юридик коллежи ўқитувчиси.**

# «ОРОЛ ФОЖИАСИГА ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН БЕҲАД МАМНУНМИЗ»

БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди фаолиятининг йўлга қўйилиши юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Муносабат

**Айсанем БЕГИМОВА,**
**Ўзбекистон экологик ҳаракати Қорақалпоғистон ҳудудий бўлинмаси раҳбари:**

— Яқин ўтмишимизда Оролбўйи ҳавзасида йилига 35 минг тонна балиқ тутилган. Маҳаллий аҳоли, асосан, балиқ овлаш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланган. Ўша пайтлари Орол денгизи халқимизнинг фахру ифтихорига айланган эди. Бугун бу ҳолат кимларгадир худди эртакдек туюлса, ажаб эмас.

Бир вақтлар ушбу денгизнинг майдони 68 минг квадрат километрни ташкил этган. Катталиги бўйича дунёда тўртинчи ўринни эгалларди. Афсуски, табиатга ноокилона муносабат туфайли мазкур сув ҳавзаси аянчли ҳолатга келиб қолди.

Бугун унинг оқибатларини юмшатиш, Оролбўйи аҳолисига ҳар томонлама шароит яратиш бўйича улкан саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Халқаро майдонда бу борада кўплаб таклифлар илгари сурилгяпти. Унинг натижалари ҳам кўзга ташланмоқда. Мана, яқинда АҚШдан ажойиб хушхабарни эшитиб, бошимиз кўкка етди. Траст фонди тузилгани оламшумул воқеа бўлди. Бундай эзгу иш Президентимиз ташаббуси билан амалга ошганини барчамиз жуда яхши биламиз. Табиийки, бундан руҳланиб, Оролбўйи ҳудудидаги вазиятни юмшатиш борасидаги фаолиятимизни янада изчил давом эттирамиз.

**Йўлдош ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети профессори, юридик фанлар доктори:**

— Орол денгизи фожиасига бағишланган тадбир тўғрисидаги янгилик бир зумда дунёга тарқалди. Бундан ҳаммамиз чексиз қувондик.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббусига асосланган халқаро Траст фонд ташкил этилиши тақдимотига шахсан бошчилик қилгани, чиндан ҳам, улкан ва тарихий воқеадир.

Орол денгизи фожиаси хавфи бутун дунё учун тобора аянчли тус олаётгани ва жаҳон ҳамжамиятининг бу масалага муносабатини тубдан ўзгартириш тўғрисида Юртбошимиз ўтган йили БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида куюнчаклик билан гапирган эди. Бу муаммо билан шуғулланиш учун жаҳон миқёсида самарали амалий ишларга ўтиш зарурияти, чунончи давлатларнинг ҳамкорлиги асосида махсус фонд ташкил қилиш ташаббусини билдирганди.

Таъкидлаш кераккки, Траст фондининг тақдимот маросими Оролга тааллуқли БМТ миқёсида амалга оширилган энг нуфузли тадбир ҳисобланади. Тўғри, БМТ саъй-ҳаракатлари билан илгарилари ҳам турли халқаро ташкилотлар томонидан анжуманлар ташкил этилган ва лойиҳалар амалга оширилган, дастурлар бажарилган. Бироқ БМТ шафелигида дунё давлатлари томонидан Траст ("ишонч" деган) фонди тузилиши каби умумлаштирилган БМТ Бош котиби раҳбарлигидаги ҳаракат кузатилмаган эди.



Орол денгизи фожиаси таъсири ҳозир фақатгина Оролбўйи давлатларини эмас, балки узоқ минтақалардаги кўплаб давлатларни ҳам қамраб олган. Орол энг глобал фожиалардан бири, дея тан олинмоқда. Шу боис Траст фондини ташкил этишдан ҳамда уни маблағ билан таъминлаб туришдан барча давлатлар манфаатдордир.

**Исмоил МАТЧОНОВ,**
**пенсионер (Нукус шаҳри):**

— Дунёдаги катта бир ташкилотда Орол мавзуси ўртага ташланиб, алоҳида фонд тузилгани ҳақидаги хабарни эшитиб, "Бўлар эканку!" дедим. Ўтган йили Президентимизнинг ана шу нуфузли ташкилотнинг юксак минбаридан туриб, Орол муаммоси қандай улкан фожиалигини дунё давлатларига харита ёрдамида изоҳлаб, асосли қилиб тушунтириб берганини телевидение орқали кўргандик. Бу муаммони яхши билганимиз учун ҳам ўша чиқишдан жуда қаттиқ таъсирлангандик. Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ташаббус мевасини берди.

Айтишларича, янги фонд қатор эзгу мақсадларга хизмат қилар-кан. Энг муҳими, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратишда унинг ҳам ўз ҳиссаси бўлар-кан. Глобал масалага халқаро ҳамжамиятнинг эътибори амалий жиҳатдан қаратилгани унутилмас воқеадир.

**«Халқ сўзи» мухбири Ҳидоят АҲМЕДОВ ёзиб олди.**

Қилмиш-қидирмиш

## Ер чўнтакка сиғмайди

Ғиждувонлик фермер Аннақул (исми ўзгартирилган) қишлоқдошининг уй-жой қуриш ниятида юрганидан фойдаланиб, унга "холис" хизмат кўрсатди. Фермер хўжалигига қарашли ернинг 6 сотихини имижимида пуллади.

Халқда "Гадо бир эшикдан ўтгунча, ундан сўнг андишани йиғиштириб қўяди" деган гап бор. Бир лаҳзада 9 миллион сўмни қўлга киритган Аннақул ҳам босар-тусарини билмай қолди. Уй қураман, деган борки, ернинг ҳар сотихини фалон сўмдан пуллайверди. Уларга: "Кўнглингиз тўқ бўлсин, кадастр ҳужжатларини ўзим тўғрилаб бераман" дея ваъдани қуюқ қилишни ҳам унутмади.

Алалхусус, фирибгарлик йўли билан ўзгаларнинг жами 94 миллион 600 минг сўм ҳамда 5100 АҚШ долларини қўлга киритган фермер ўз нафсининг қурбонига айланди. Энди у одил суд олдида жавоб беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Янги уй-жойлар:

# НАФАҚАТ АРЗОН, СИФАТЛИ ҚУРИЛИШИ ҲАМ ШАРТ




*Сўнгги икки йилда юртдошларимизнинг кўпи уй-жойли, таъбир жоиз бўлса, кичик ватанли бўлди. Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 53 мингдан зиёд арзон уй-жойлар ва квартиралар қурилди. Шу орқали тураржой шароитларини яхшилашга муҳтож 65 мингта оила уй билан таъминланди.*
*Аммо бунёдкорлик соҳасида тажриба ортгани сари арзон уй-жойлар қурилишида ҳам ўзига хос муаммолар пайдо бўлмоқда.*

Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида йўл қўйилган камчиликлардан хулоса чиқариб ишлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Биринчи масала уй-жойлар қураман, деб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатлари билан боғлиқ. Шу йилнинг ўзида туман ҳокимликлари томонидан ажратилган 1065 гектар ернинг 60 гектарга яқини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига кирган. Камчиликнинг яна бири — энергия самарадор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон қурилиш материалларидан фойдаланмаслик бўлса, бошқаси — муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва уй-жойлар қурилишида ўзаро уйғунлик таъминланмаётганида.

Оқибатда миллиардлаб пуллар ортиқча сарфланмоқда. Шу йилнинг ўзида коммуникация мақсадларига 500 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган. Шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларини бузиш, қурилиш-монтаж ишларининг сифатсиз бажарилиши, лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари ҳам муаммолар қаторидан жой олган.

— Аҳоли талаблари, қолаверса, газ, электр энергияси, канализация, сув ва бошқа коммуникация тармоқларини олиб бориш имкониятлари ўрганилмасдан ер участкаларининг танланиши ва ўша ерда уйларни қуриш қатор муаммоларни юзага келтирмоқда, — дейди "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ бош директори Илҳом Аҳмедов.




Камчиликларни бартараф этиш келажакда устуворлик касб этар экан, савол туғилади. Хўш, энди ишлар қай тарика ташкил этилади? Умуман, соҳада қандай ўзгариш бўлади?

Аввало, уй-жойлар ҳудудий оптимал жойлаштирилади ҳамда улар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларига кирмайдиган участкаларда қурилади. Бундан ташқари, бу тоифадаги уйларни қуришда муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари "Обод қишлоқ" дастури билан ўзаро уйғунликда ташкил этилади. Бу эса муҳандислик тармоқларига сарфланадиган харажатлар ва уй-жойлар нархларини арзонлаштиришда қўл келади.

Қарор билан 2019-2020 йилларда қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши, шунингдек, тураржой массивларида ташқи муҳандислик тармоқлари, иншоотлари ҳамда транспорт коммуникациялари қурилиши бўйича йиғма кўрсаткичлар тасдиқланди. Унга кўра, 2019 йилда 15010 та арзон уй-жой ва квартиралар қурилиши режалаштирилган. Уларнинг 11 минг 70 таси уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар учун, 658 таси алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга, 1272 таси оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар учун мўлжалланган. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари учун ҳам 2010 та квартира бунёд этилади.

— Бошланғич бадал уй-жой умумий нархининг 10 фоизи, ҳарбийлар учун эса бу 25 фоиз этиб белгиланган, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК" МЧЖ бўлим бошлиғи Аброр Акбаров. — Тураржойлар 20 йилга ва имтиёзли кредитлар асосида берилади. Бу фуқаролар учун янада кўпроқ қулайлик, дегани.

Қарорда белгиланганидек, бундан буён арзон уй-жойлар, ташқи муҳандислик тармоқлари, иншоотлари ҳамда транспорт коммуникациялари қурилишининг келгуси йиллар учун асосий параметрлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили 1 июнга қадар, "Обод қишлоқ" дастури билан ўзаро боғланган ҳолда тасдиқланади.

Дарвоқе, ичимлик суви, канализация, иссиқлик, электр, газ таъминоти иншоотлари ва тармоқлари ҳамда йўллар қурилиши марказлаштирилган манбалар, халқаро молия институтлари маблағлари, шунингдек, "Ўзбекэнерго" АЖ ҳамда "Ўзтрансгаз" АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Энди муҳандислик-транспорт коммуникацияларига уланмаган, узлуксиз электр ва сув таъминоти йўлга қўйилмаган арзон уй-жойлар фойдаланишга қабул қилинмайди.

Яна бир муҳим масала. Янги қурилаётган уй-жойлар арзон экан, деб уларнинг сифатини сираям кейинги ўринга қўйиб бўлмайди. Биргина рақам, жорий йилнинг 9 ойи давомида 3351 ҳолатда сифатсиз ишлар аниқланиб, бажарилган ишлар ҳажмидан 5,1 миллиард сўм ушлаб қолинган. Чунки у иморатлардаги сифат сарфланган пулни оқламаган.




Эндиликда арзон уй-жойлар қурилишига харидор бўлган одам Интернет тармоғида реал вақт режимида бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмлари, жумладан, объектларнинг фотосуратлари ва видеоёзувлари, объектлар қурилишида иштирок этаётган пудратчилар, қурилиши тугалланган объектларда ўтказилган назорат тартибида ўлчаш натижалари, қурилишни молиялаштиришнинг бориши, яъни қайси қурилишга қанча маблағ ажратилгани тўғрисида маълумот олиши мумкин.

Президентимизнинг мазкур қарори арзон уй-жойлар қурилиши сифатини янада ошириб, унинг нархини пасайтириш, одамларни уйли қилиш, умуман, халқ розилигига эришишда муҳим дастуриламалдир.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



# АСЛ АСАЛ ТАЪМИНИ ТАТИБ КЎРИНГ

*Бир қарашда асл асални фарқлаш қийин. Бунинг учун эса асалари, бол ҳақида озгина бўлса-да, маълумотга эга бўлиш зарур. Айни пайтда пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида ўтказилаётган "Асал байрами" асаларичилик маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси бу борада сизга ёрдам бериши, шубҳасиз. Чунки бу ерда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 270 дан ортиқ асаларичилик субъектлари, тажрибали асаларичилар, соҳа мутахассислари ташриф буюрувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беради.*

## Ярмарка

Акциядорлик тижорат "Алоқабанк" ҳамда "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси томонидан иккинчи бор ташкил этилган мазкур ярмаркада асал маҳсулотларидан ташқари тармоқ учун зарур ускуналар ҳам намойиш этилиб, унинг доирасида илмий-амалий семинарлар, маҳорат дарслари ўтказилмоқда.

— Айни пайтда 120 қути асалари оиласини парвариш қиляпмиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги "Асқарбек асалчи" фермер хўжалиги раҳбари Қўзибой Рўзибоев. — Шундан йилига 150 грамм асалари сути, 80 килограмм мум, 1,5 килограмм прополис ҳамда 1500 килограммгача асал оламиз.

Асал — жуда шифобахш неъмат. Буни кўпчилигимиз ўқиганмиз, эшитганмиз. Лекин улар нимада намоён бўлади? Кўп йиллардан буён шу иш этагини тутган тажрибали асаларичи сифатида фикр билдирсам. Аввало, асалнинг ноёблиги асалари меҳнати билан боғлиқ, десак, муболаға бўлмайди. Сабаби битта асалари асал йиғиш учун қанча узоқ масофага учиб боради. Болни энг сара гуллардан йиғади. Ноёб жонзотнинг ана шундай машаққати билан олинган табиий маҳсулот, албатта, шифобахш бўлади. Масалан, унинг сути одамга қувват беради, ёшартирувчи хусусиятга эга. Ошқозон-ичак хасталикларини даволашда эса прополиснинг аҳамияти ниҳоятда юқори. Мумдан эса мумпарда тайёрлашда фойдаланилади. Қисқаси, асал ва асалари маҳсулотлари кони фойда.




Мамлакатимизда кейинги йилларда мазкур тармоққа катта эътибор қаратиляпти. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси ташкил этилиб, унинг зиммасига асаларичилик соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш, дастурлар тайёрлаш ва амалга ошириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини олиб бориш, кадрлар тайёрлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш сингари кўплаб вазифалар юклатилди. Қарорда, шунингдек, акциядорлик тижорат "Алоқабанк" таркибида масъулияти чекланган жамият шаклидаги лизинг компаниясини ташкил этиш ҳам белгилаб берилган эди.

Бугунги кунга келиб, ушбу йўналишда муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, жорий йилда республикамизнинг барча маъмурий марказларида ҳудудий асаларичилар уюшмаси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси Халқаро асаларичилик уюшмалари федерацияси — "Апимондия"га аъзо бўлиб кирди. Фарғона давлат университети ҳамда Самарқанд ветеринария институтида зоотехник-асаларичи мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилди. "Алоқабанк" АТБ "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси таъсисчилигида "Aloqalizing" масъулияти чекланган жамиятига асос солинди. Вилоятларда нектарга бой ўсимлик ва дарахтларни экиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Пировардида бу йил юртдошларимиз дастурхонига 17 минг тоннадан ортиқ асал етказиб берилди.

Бугун асаларичиликни сердаромад соҳага айлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайиб боряпти. Буни галдаги кўргазма-ярмаркага ташриф буюрувчилар сафи кенгайганидан ҳам англаш қийин эмас. Мисол учун, Наманган вилояти асаларичилар уюшмаси раиси ўринбосари Бурҳонжон Сатторовнинг айтишича, ҳудудда тадбиркорликнинг ушбу йўналишига қизиқиш катта. Ярмаркада уларнинг 80 дан зиёди иштирок этмоқда.

"Асал байрами" кўргазма-ярмаркаси 10 декабрга қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

«Uz-Prista» МЧЖ ҚК
МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
www.prista-oil.com

«Prista® Oil Holding EAD» Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Марказий Осиё ҳамда Шимолий Африканинг 45 дан ортиқ давлатларида фаолият юритувчи етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Ушбу компаниянинг ишлаб чиқариш қувватлари энг янги замонавий ва инновацион технологиялар асосида қурилган. Маҳсулот турининг хилмахиллиги ўз тадқиқотларимиз ва «Chevron», «Gulf Oil Marime», «Lubrizol» ҳамда дунё миқёсидаги бошқа етакчи компаниялар билан ҳамкорлик маҳсулидир.

«Prista® Oil Holding EAD» компанияси Болгария, Венгрия ва Ўзбекистонда заводларга эга бўлиб, у ерда мотор мойи, антифриз, мойлаш материаллари ҳамда махсус суюқликлар ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида «Uz-Prista» МЧЖ қўшма корхонаси (Ўзбекистон) минтақавий дилерлар танловини эълон қилади.

Агар сизда қизиқиш уйғонган ва ушбу соҳада тажрибангиз бўлса, шу йўналишдаги фаолиятингизни ривожлантиришни истасангиз **2018 йил 1 декабрдан 25 декабргача** ўтказиладиган танловга **info@prista-oil.uz** / telegram: **+99890-997-73-44** манзили орқали ариза топширишингиз мумкин.

Танловда қатнашиш учун сиз:
— компаниянгиз бизнеси ва фаолият соҳаси, тарихи ҳақида қисқача презентация;
— истиқболда ўзингиз ҳамкорлик қилмоқчи бўлган минтақада савдони кучайтириш бўйича концепциянгизни тақдим этишингиз лозим.

Эркин ривожланиш минтақалари:
- Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти;
- Гулистон шаҳри ва Сирдарё вилояти;
- Навоий шаҳри ва Навоий вилояти;
- Термиз шаҳри ва Сурхондарё вилояти.




Маҳсулот сертификатланган.
1035Я/518

РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ ҚУЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДА МАВЖУД:

РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР
0,40 x 1250 — 9 800 000 сўм/тонна
0,45 x 1250 — 10 205 000 сўм/тонна
0,70 x 1250 — 10 040 000 сўм/тонна

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ
RAL 3003, 3005, 3009, 6005, 8017
0,45 x 1250 — 12 690 000 сўм/тонна
RAL 3005, 6005, 8017
0,50 x 1250 — 12 535 000 сўм/тонна

ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР
1,8 x 1000 x 2000 — 8 650 000 сўм/тонна
1,8 x 1250 x 2500 — 8 630 000 сўм/тонна
2,8 x 1250 x 2500 — 8 135 000 сўм/тонна

Шунингдек, буюртма бўйича ҳам ишлаймиз.
Кенг ассортиментда металл прокат.
Тўлов шакли — нақд пулсиз.
E-mail: stal-invest@inbox.uz
Тел. 95-475-00-65
Хизматлар лицензияланган.
1045Я/295





ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«Асака» банки жамоаси
юртдошларимизни яқинлашиб келаётган мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги байрами билан чин юракдан муборакбод этади!
Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилайди.




Байрам муносабати билан миллий валютада янги муддатли қуйидаги омонат турини таклиф қилади:

«МАНФААТЛИ»
Омонатга фоизлар қуйидагича ҳисобланади:
12 ой сақланса — 16 фоиз (йиллик);
13 ой сақланса — 17 фоиз (йиллик);
18 ой сақланса — 18 фоиз (йиллик).

Ҳисобланган фоизларни, омонатчининг истагига кўра, амалда сақланган муддат учун олиш мумкин.

Шунингдек, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталарда 38 турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 78-120-82-37, 78-120-82-65, 78-120-82-98.

Омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— декларация қилинмайди;
— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган.

«Асака» банки — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган.
1047Л/240

амкодор САЛЕО АМКОДОР - СЕМАШ
«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК
«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар
МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар
занжирли ва ғилдиракли юришдаги экскаваторлар
санчқили юклагичлар



Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар
гидравлика





Маҳсулот сертификатланган.
Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail:amkodortashkent@mail.ru,www.amkodor.uz,www.amkodor.by

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6